



Қийинчилик ва синовлар ҳаёт берган неъматларни қадрлашга ўргатади

4-с.

Болаларни ижтимоий тармоқлардан чеклаш натижа берадими?

5-с.



2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ, АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Қашқадарё вилояти маҳаллаларида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди.

Ташриф давомида Косон туманидаги “Пудина” маҳалласида “еттилик” аъзолари билан самимий мулоқот ўтказилиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш, ҳар бир хонадон ҳолатини чуқур ўрганиш ва манзилли ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳолати, яшаш шароитлари кўздан кечирилди. Жумладан, мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Фирдавс Араббоев билан суҳбатлашилди. Унинг билим олишга бўлган кучли интилиши ва келажакка ишончи алоҳида эътироф этилди. Фирдавснинг инклюзив таълим олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш ҳамда унга моддий қўмак кўрсатиш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

Қахрамон Қуронбоев Қарши тумани Ёшлар марказида ҳудуддаги ёшлар етакчилари ва фаол йигит-қизлар билан ҳам очиқ мулоқот қилди, уларнинг фикр ва таклифлари тингланди. Суҳбат давомида Марказ кутубхонасини 400 та бадиий адабиёт билан бойитишга келишиб олинди.

Шунингдек, Уюшмаси раиси Қарши тумани 1-сон техникуми битирувчи ёшлари билан мулоқот қилди. Унда битирувчиларнинг келгуси мақсадлари, интилишлари муҳокама қилинди. Йигит-қизларга қўшимча даромад топиш имконини яратиш мақсадида ғалладан бўшаган ер майдонлари ажратилиши белгиланди. Уларнинг меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун амалий қўмак бериш ишлари давом эттирилади.

КОНУНГА ТАКЛИФИМ БОР...

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ҚОМУСИ: ВАКОЛАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА АДОЛАТ МУВОЗАНАТИ УЙҒУНЛАШСА...

“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га кўра, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Хўш, янги қонунда нималар акс этиши керак?

БИР МАҲАЛЛАДА РАЙҲОН ИСИ, БОШҚАСИДА БЕФАРҚЛИК ИЗИ...

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан “Долзарб 40 кунлик” доирасида пойтахтимиз маҳаллаларида 24 мингдан зиёд райҳон кўчатлари экилди.

Эрта тонгдан Уюшма хровлиси-дан Тошкент шаҳридаги 12 та туманга райҳон кўчатлари ортилган автокарвонлар йўлга чикди. Кўчатлар туманлар орқали маҳаллаларга етказилиб, аҳоли яшаш ҳудудлари, кўп қаватли уйлар ховлилари, ижтимоий объектлар ҳамда жамоат жойларига экиш учун тақсимланди. Ушбу хайрли тadbирда Уюшма масъуллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари, мутасаддилар ҳамда фаоллар иштирок этди.

Бир қарашда, бу навбатдаги ободонлаштириш тadbирига ўхшайди. Аслида эса райҳон экиш акцияси маҳаллалардаги ободонлаштириш ишларини кўздан кечириш, ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш учун ҳам яхши имконият бўлди. Қўзатувлар бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади: бир хил имконият яратилган бўлса-да, маҳаллалардаги натижа турлича. Бунинг сабаби маблаг ёки техникада эмас, аввало, фаолларнинг муносабати ва масъулиятидир.

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ



Давоми 2-саҳифада.

6

ЁЛҒИЗ ЭМАСЛИгини ҳис қилса, инсоннинг ҳаёти ҳам ўзгаради

7

МАНЗИЛ ОЛИС бўлса ҳам ҳудудимиз “ОҒИР” ЭМАС...

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“РАИСИМИЗГА АЙТСАК, ЕЧИМ ТОПИЛАДИ”, ДЕГАН ИШОНЧ — ЭНГ КАТТА БАҲО!

Маҳалла раислиги, бу — шунчаки мансаб ёки лавозим эмас, ҳар бир хонадон тақдирини учун масъулиятни зиммага олиш, одамлар ишончини ҳар куни амал билан оқлаш демакдир. Қолаверса, бу — ваколатдан кўра кўпроқ масъулият, ҳуқуқдан кўра кўпроқ бурч, эътирофдан кўра кўпроқ халқ ишончини оқлаш вазифасидир.

Мен учун маҳалла раиси бўлиш — идорада ўтириб, йиғинни бошқариш эмас. Бу — ҳар куни одамлар ичида юриш, эшитиш ва кўпинча ҳеч қим кўрмайдиган муаммони биринчи бўлиб сезиш демакдир. Айрим муаммолар ҳужжатларда умуман кўринмайди. Лекин инсоннинг кўзидаги хавотирни, овозидаги иккиланишни пайқаш учун статистика эмас, самимий мулоқот керак.

Давоми 2-саҳифада.

МУЛОҲАЗА

“Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги “унта қуй нима бўлади?”, деган ибора ортида яширинган мактончоқлик иллати орадан йиллар ўтса-да, ўзгармагандек...

ТЎЙЛАР МАРОМИНИ БУЗАДИГАН ЯГОНА ҚАРАШ, БУ — “ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?”

Давоми 3-саҳифада.



Ўзбекистонда
гендер тенглиги
бўйича МАМЛАКАТ
ПРОФИЛИНИНГ
ЯКУНИЙ ЛОЙИҲАСИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



2026/2027-ўқув
йилида аёллар учун
бакалавриятнинг
кундузги таълим
шакли бўйича 4 000 та
ҚЎШИМЧА ДАВЛАТ
ГРАНТИ АЖРАТИЛАДИ.



2027 йил 1 январдан
саратонга чалинган
беморларни ташхислаш,
дори-дармон ва тиббий
жиҳозларни БМТНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ
етказиб беради.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада.

БИР МАҲАЛЛАДА РАЙҲОН ИСИ, БОШҚАСИДА БЕФАРҚЛИК ИЗИ...



БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Сергели туманидаги “Шукрона” маҳалласига ташриф буюрсангиз, инсон меҳнати билан яратилган муҳитни кўрасиз. Маҳалла раиси Муяссар Жумабоевнинг қайд этишича, жорий йилнинг ўтган даврида барча кўп қаватли уйларнинг фасад қисми таъмирланди, ички йўллар тўлиқ асфальт қилинди, амфитеатр барпо этилди, 5 та болалар, 3 та воркаут майдончаси, 1 та мини-футбол стадиони қурилди. Бунёдкорлик ишларида маҳалла ахли фаол, ҳам-жиҳатликда 200 туп дарахт экилди, нуронийлар маскани бунёд этилди. Бу ерда ободлик шунчаки лойиҳа эмас, кундалик турмуш тарзига айланган.

Яшнобод туманидаги “Уйсозлар” маҳалласида ҳам худди шундай манзара. Янги поликлиника, янги боғча, таъмирланган мактаб, спорт иншоотлари, хибонлар, дам олиш масканлари маҳалла ахлининг турмуш сифати-га хизмат қилмоқда.

Олмазор туманидаги “Мустақил юрт” маҳалласи эса аҳоли, маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилотлар бир мақсад йўлида ҳаракат қилса, қисқа вақт ичида қандай натижага эришиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда. Суғориш тизимлари яратилди, яшил ҳудудлар барпо этилди, кўп қаватли уйлар таъмирланди, болалар майдончалари ва дам олиш масканлари қурилди.

Бу маҳаллаларнинг ютуғини фақат маблағ ёки яратилган имкониятлар билан изоҳлаб бўлмайди. Энг асосий омил — одамларнинг ўз маҳалласига эғалик ҳисси ва масъулиятидир. Улар ободликни ҳокимлик ёки маҳалла раисининг вазифаси эмас, ўзининг бурчи, деб билади. Ана шу муносабат маҳаллани ўзгартиради.

Бироқ қузатувлар давомида бундай ижобий манзаранинг мутлақо акси бўлган ҳолатларга ҳам дуч келдик.

Янгиҳаёт туманидаги “Викор” ва Ал-Фарғоний номидаги маҳаллалар ҳамда Яшнобод туманидаги Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла ҳудудидаги айрим ҳолатлар кишини жиддий ўйлантирмай қўймайди. Айрим ҳудудларда чиқиндилар вақтида олиб чиқилмаган, баъзи яшил ҳудудлар қаровсиз қолган, қурилиш чиқиндилари узок вақт сақланиб турибди. Айрим кўчаларда тозалик ва тартиб талаб даражасида эмас.

Энг ачинарлиси, бундай ҳолатлар баъзан одатий ҳолдек қабул қилинаётгандек. Ваҳоланки, Янги Ўзбекистон маҳалласига бундай манзара мутлақо ярашмайди.

Ал-Фарғоний номидаги маҳалла раиси Наргиза Исоқованинг фикри муаммонинг яна бир жиҳатини очиб беради. Унинг таъкидлашича, айрим фуқароларни ҳашар ишларига жалб қилиш осон кечмаяпти. Хусусан, кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи аҳоли вакиллари маҳалла тадбирларида етарлича иштирок этмаяпти.

Бу тан олиш — жасорат. Бироқ, шу билан бирга, бу барчамизни ўйлантириши лозим бўлган ҳақиқат ҳамдир. Ахир маҳалла кимники? Кўчани ким тозалайди? Дарахтни ким асрайди? Болалар майдончасини ким эҳтиёт қилади? Агар ҳар бир ишни фақат давлат ёки маҳалла раисидан кутаверсак, фуқаролик масъулияти қаерда қолади?

Яшнобод туманидаги Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада қурилиш чиқиндилари сақланиб қолгани юзасидан мутасаддилар янги мактаб қурилиши билан боғлиқ вақтинчалик ҳолат эканини, ҳудуд қисқа муддатда тўлиқ тартибга келтирилишини маълум қилди. Бу изоҳни қабул қилиш мумкин. Лекин ҳар қандай қурилиш жараёнида ҳам санитария қоидаларига қатъий амал қилиниши, қурилиш чиқиндилари ўз вақтида олиб чиқилиши шарт. Чунки ободлик кечикиши мумкин, аммо тартиб кечикмаслиги лозим.

Бугун “Долзарб 40 кунлик”нинг асл моҳияти райҳон экиш билангина чекланмайди.

У инсон онгига масъулият экишни мақсад қилади. Бир туп райҳоннинг умри уни парвариш қиладиган инсонга боғлиқ бўлганидек, маҳалланинг келажаги ҳам унда яшайдиган фуқароларнинг фаоллиги ва масъулиятига боғлиқ.

Шундай экан, ободлик ҳақида гапирар эканмиз, танкидни фақат коммунал хизматлар ёки маҳалла фаолларига қаратиш билан чекланмаслигимиз керак. Энг катта танқид — бефарқликка қаратилмоғи лозим.

ҚОНУНГА ТАКЛИФИМ БОР...

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ҚОМУСИ: ВАКОЛАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА АДОЛАТ МУВОЗАНАТИ УЙҒУНЛАШСА...



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”:
КИМ КИМГА БЎЙСУНАДИ?

“Маҳалла еттилиги” назарий жиҳатдан барча ижтимоий йўналишларни қамраб олган ягона жамоа сифатида ишлаши керак. Аммо амалиёт бошқача манзарани кўрсатмоқда.

Муаммо: “еттилик” таркибига кирувчи ҳар бир ходим ўз соҳавий тузилмалари раҳбарларига бўйсинади. Улар учун асосий устуворлик — юқори турувчи идора топширигини бажариш. Раис эса бу “еттилик”нинг сардори бўлса-да, уларга амалда таъсир ўтказолмайди. Амалда бу “хамма масъул, лекин ҳеч ким жавобгар эмас”, деган ҳолатни келтириб чиқармоқда.

Таклиф: қонунда “маҳалла еттилиги”нинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлар доираси ва ўзаро бўйсунув муносабатлари аниқ ва тушунарли тарзда белгиланиши шарт. Жумладан, “еттилик” аъзолари соҳавий масалаларда ўз юқори ташкилотига, маҳалла ҳудудидаги кундалик фаолиятда эса бевосита маҳалла раисига функционал жиҳатдан бўйсунуши керак.

Натижа: маҳаллада ҳақиқий ягона бошқарув муҳити шаклланади. Фуқаро мурожаат билан келганда, идоралар ўртасида сарсон бўлмайди. Масала маҳалланинг ўзида, “еттилик”нинг жамоавий масъулияти асосида ҳал этилади.

ҚАРОР РАСМАН ҲУҚУҚИЙ
ТАЪСИРЧАН БЎЛСА...

Фуқаролар йиғини — маҳалланинг энг юқори жамоатчилик бошқарув органи ҳисобланади. Аммо амалиётда унинг қарорлари кўпинча тасвиивий хусусиятдан нарига ўтмайди.

Муаммо: амалда фуқаролар йиғини қарорларининг ҳуқуқий мақоми ва ижро тизими етарлича аниқ белгиланмаган. Шу боис маҳаллада қабул қилинган қарорларни айрим ҳолларда давлат идоралари эътиборсиз қолдиради ёки узок вақт давомида қўриб қиқмайди. Бу эса фуқаролар йиғинининг нуфузини пасайтиради, аҳолининг маҳаллага бўлган ишончини сусайтиради ҳамда маҳаллий ташаббусларнинг амалий натижа беришини чеклайди.

Таклиф: янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар йиғини қарорларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиши лозим. Хусусан, маҳалла ваколати доирасида қабул қилинган қарорларни тегишли давлат ташкилотлари белгиланган муддатларда мажбурий тарзда қўриб чиқиши, улар юзасидан асослантилган ёзма жавоб бериши қонун билан кафолатланиши керак. Шунингдек, маҳалла ташаббусларини қўриб чиқиш муддатлари, ижро интизоми ва мансабдор шахсларнинг масъулияти ҳам қонун даражасида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

Натижа: фуқаролар йиғини қарорлари расмий ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади, маҳалла ахлининг жамоавий иродаси давлат бошқарувида аниқ таъсир кучига айланади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун маҳалла институтини мутлақо янги bosқичга олиб чиқадиغان ҳуқуқий асосга айланиши лозим. Бунинг учун қонунда маҳалла раисининг мақоми ва ваколатлари аниқ ҳимоя қилиниши, “маҳалла еттилиги”нинг ягона бошқарув тизими ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ҳамда фуқаролар йиғини қарорларининг таъсирчан ҳуқуқий тизими яратилиши зарур.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Раисимизга айтсак, ечим топилади”, деган ишонч — энг катта баҳо!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Эркинбек МАХАНОВ,
Янгийўл туманидаги
“Янгийўл” маҳалласи раиси.

“Еттилик” ҳамжиҳатлиги натижасида йил бошида ҳатловда ишсиз сифатида рўйхатга олинган 99 нафар шахснинг барчаси ишли қилинди. Жумладан, Нурмурад Хусанов иссиқхона фаолиятини, Собиржон Тўхтаев автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғини йўлга қўйди. Ижтимоий реестрда турган 46 та оиланинг 24 таси даромад манбаи билан таъминланди. Хусусан, Ноила Мададова ҳамда Аниша Фахриева чорвачилик йўналишида ўз тадбиркорлигини бошлади.

Бу ракамларнинг аҳамияти шундаки, ижтимоий ҳимоя фақат



нафақа ёки моддий ёрдам билан эмас, инсоннинг ўз меҳнати орқали барқарор даромадга эришиши билан мустаҳкамланади. Аслида ҳам, агар бир хонадонда ота ишсиз бўлса, фарзанд таълимдан четда қолса, кексалар ёлғизликни ҳис қилса — маҳалла ҳали ўз вазифасини тўлиқ бажарган ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳар

қандай рақам ортида инсон тақдирини турганини унутмаслик керак.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида тўрт марта гоёиб бўлди, бу маҳалламиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Барча ички кўчалар асфальт қилинди, электр тармоқлари янгиланди, ичимлик сув ва табиий газ билан боғлиқ муаммолар ҳал

этилди. Бу натижалар шуни кўрсатадики, аҳоли ташаббуси билан давлат қўллови уйғунлашса, энг мураккаб масалаларни ҳам ҳал этиш мумкин.

Маҳалла раиси сифатида муваффақият ҳақида гапириш билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ҳам очик айтишимиз керак. Маҳалламиз ҳудудидан

халқаро аҳамиятга эга “М-39” автомагистрали ўтади. Шу йўлнинг нариги томонида мактаб жойлашган бўлиб, ҳар кун 230 нафар ўқувчи мазкур йўлни кесиб ўтишга мажбур. Катновнинг серҳаракатлиги туфайли бу нафақат қийинчилик, балки жиддий ҳавф ҳам туғдирмоқда. Мазкур ҳудудда пиёдалар учун осма кўприк ёки ерости йўлаги барпо этилса, юзлаб болаларимиз ва ота-оналаримиз учун хавфсиз муҳит яратиларди.

Умуман олганда, маҳалладаги муаммони ҳал қилиш учун доим ҳам катта маблағ талаб қилинмайди. Баъзан энг муҳим ресурс — ишонч. Агар маҳалла ахли раисга ишонса, тадбиркорлар, ёшлар ўз маҳалласида имконият кўрса, қўллаб-қувватлашга ўз-ўзидан ҳал бўла бошлайди. Шу маънода “ТОП-100” талиқдан ўрин олиш биз учун марра эмас, ҳар кун янада яхшироқ ишлашга ундайдиган янги чорловдир. Зеро, маҳалла раҳбарининг энг катта муқофоти одамларнинг: “Раисимизга айтсак, ечим топилади”, деган ишончидир.



Марказий банк: аҳолининг банклардан олган кредитлари қолдиғи бир йилда 39,5 ТРИЛЛИОН СЎМГА КЎПАЙДИ.



Давлат қимматли қоғозларини таъминотга қўйган ҳолда эндиликда КРИПТО-АКТИВЛАРНИ ЧИҚАРИШ МУМКИН.



Ўзбекистонга олти ой давомида ТИЖОРАТ МАҚСАДИДА ЭНГ КЎП — 205 минг 937 нафар афғонистонликлар келди.

2026 йил
29 июль,
ЧОРШАНБА



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Эрта тонгдан маҳаллага кирсангиз, димоғингизга урилган янги узилган кўкат ва ялпизнинг муаттар ҳиди сизни беихтиёр маст қилади. Бу ерда ҳаёт барвақт бошланади. Кимдир томорқасида меҳнат қиляпти, кимдир ижара еридан ҳосил терапия.

“Мен буни уддалай олмайман”, ҚЎРҚУВИНИ ЙЎҚОТДИК”

Исломбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Урганч туманидаги
“Оёқ боғ” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Лекин 2022 йилда бу ҳудудда иш бошлаганимда, одамларнинг кўзида эртанги кунга ишончдан кўра, ташвиш ва иккиланиш устун эди. Сабаби оддий — доимий иш жойи йўқ, тadbиркорлик бошлашга на маблағ, на билим етарли эди. Одамларнинг ишончини қозониш, уларнинг қалбидagi “уддалай олмайман”, деган қўрқувни енгиси осон бўлмади. Бунинг учун хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир оиланинг дардини тинглашга, муаммосига биргаликда ечим излашга тўғри келди. Шундай самимий ва очиқ мулоқотлар эвазига бугун 2 856 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда катта ўзгаришлар даври бошланди.

Худуднинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, деҳқончилик, хусусан, томорқа ва ижара

ерларида кўкат етиштириш “драйвер” этиб белгиланди. Имтиёзли кредит, субсидия ажратиш ва касб-хунар ўқувлари қисқа фурсатда ўз мевасини берди. Тажрибали деҳқонлар билан кооперация тизими йўлга қўйилиб, маҳсулотлар экспортга йўналтирилди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 20 гектар ерда кўкат етиштириш йўлга қўйилди. 14 гектарда иссиқхоналар ташкил этилди. Натижада деҳқонлар бир йилда тўрт марта ҳосил етиштириб, 30 сотих ердан ўртача 200-250 миллион сўмгача даромад олмоқда.

Маҳалладаги “устоз-шогирд” анъанаси кўплаб ёшлар ҳаётини ўзгартирмоқда. Масалан, деҳқончиликка қизиққан Ғофуржон Мейлиевни тажрибали устага бириктириб, имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик. Бугун у нафақат оиласини, балки яна 3 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. Бир вақтлар кўмакка муҳтож бўлган хонадон ҳозир маҳалланинг энг намунали оилаларидан бири.



Боқувчисини йўқотган Дилфуза Янгибоеваннинг ҳам муурожаати тингланиб, хонадонида миллий ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иш унумдорлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари ахборот технологиялари ва электрон платформалардан унумли фойдаланиш зарур. Маълумотлар таҳлили бўйича амалий ўқувлар ва ҳудуд имкониятларини тезкор баҳоловчи рақамли манбаларнинг жорий этилиши соҳада янги сифат босқичини бошлаб беради.

МУЛОҲАЗА

Тўйлар маромини бузадиган ягона қараш, бу — “ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?”

Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Афсуски, бугунги кунда ораимизда “Тўйимиз маҳаллада дув-дув гап бўлсин!”, дея дабдабага учаётган, сохта обрў ва мактаниш ортидан куваётган замондошларимиз кам эмас. Фарқи шундаки, бугун уларнинг имкониятлари ва дабдаба тушунчаси унта қўй чегарасидан аллақачон чиқиб кетган. Юртимизда тўй-ҳашамлар ва маросимларни ихчамлаштириш, ортиқча исрофгарчиликка чек қўйиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. “Маромийлик” лойиҳаси айнан шу мақсадга хизмат қилиши кўзланган эди.

Мана, орадан етарлича вақт ўтди. Аммо муаммо ҳамон долзарб бўлиб қоляпти. Мисол учун, жараёнда икки хил ёндашув кузатиляпти. Таниқли шахслар, жамиятда муайян мавқега эга бўлган оилаларнинг кенг қўламли, катта харажатли тўйларида кўпинча юзлаб меҳмонлар, ҳашаматли безаклар ва катта маблағ сарфлангани кўзга ташланыпти. Аслида, жорий этилаётган тартиб-қоидалар ва тавсиялар жамиятнинг барча қатлами учун бирдек амал қилиши керак эмасми?

— Бу саволдан четлаб ўтмоқчи эмасман, чунки унинг жавоби лойиҳа ҳақида эмас, жамиятимизнинг қарор қабул қилиш тарзини ҳам акс эттиради, — дейди Республика Маркази масъул ходими Дониёр Тўраев. — Биз ҳамкорлар билан бирга, тарғибот босқичини яқунладик. “Тўйимисан, тўй бўлди!” шиори остида олиб борилган тарғибот натижасида 168 та намунали ихчам тўй маросими ташкил этилди, таълим муассасаларида ижтимоий тадқиқот ўтказилди. Буни ютуқ сифатида тақдим этмоқчимасман. 168 та тўй — йилга ўн минглаб маросим ўтказиладиган мамлакат учун бошланғич нуқта, холос.

Энг керакли кўрсаткичлар тадқиқотда чиқди. Профессор-ўқитувчиларнинг 69,8 фоизи қарзга тўй қилишни нотўғри, деб ҳисоблайди. Аммо сўраланларнинг 18,2 фоизи амалда бунинг тескарисини қилган. Ишонч бир ёнда, хатти-ҳаракат бошқа томонда эканини ўқрдик.



Инсон кўп ҳолда ўз ишончи бўйича эмас, атрофи кутаётган нарса бўйича ҳаракат қилади. “Одамлар нима дейди?” омили барча гуруҳларда бирдек таъсирга эга. Демак, муаммонинг илдизи билим етишмаслигида эмас. Одамлар исрофнинг зарарини яхши билади, улар ёлғиз ўзи меъёрдан четга чиқишдан чўчийди.

Бизга жарима қўллаш ҳақида бот-бот эслатишади. Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-1-моддасига қўра, тўй ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя қилмаслик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача жарима белгиланган. Бу тартиб беш йилдан буён қўлдан, муаммо эса ҳамон долзарб. Демак, маъмурий чора кераксиз эмас, ёлғиз ўзи етарлимас. Тақик одатни ўзгартирмайди, уни кўринмас қилади. Маросим камҳарж бўлиб қолмайди, шунчаки бошқа жойда, бошқа шаклда ўтказилади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Бирлашдик, бир куч бўлдик, БИРОР МУАММО ҚОЛМАДИ”



Кўпчилик билан ишлаш, ҳамманинг кўнглига бирдек йўл топиш осон эмас. Бугунги ютуқларимиз, эришган натижаларимиз замирида “еттилик” ходимларининг фидокорона меҳнати ётибди.

Абдуҳаким
АБДУРАҲМОНОВ,
Ангрен шаҳридаги
“Янгиҳаёт” маҳалласи
раиси.

Бир мақсад йўлида бирлашиб, шаҳримиздаги энг обод ва намунали гушага айландик. Бугун фахр билан айта оламаники, маҳаллада инфратузилма бўйича муаммо қолмади. Энг муҳими, бу ишларнинг барчасини давлат маблағини қўтиб ўтирмасдан, аҳил маҳалладошларимиз билан ҳашар йўлида, елкама-елка туриб бажардик.

Узоқ йиллардан бери йиғилиб қолган муаммоларни тизимли равишда ҳал қилдик. Аҳоли иштирокида 800 метр узунликдаги ичимлик сув қувурини янгиладик. Айни кунларда саховатпеша ҳомийлар кўмагида яна 45 та хонадонга 650 метрлик янги тармоқ тортиш ишларини жадал олиб бораёلمиз. Кўчаларга 66 та янги устун ўрнатдик. Замон билан ҳамнафас бўлиш мақсадида ҳомийлар ёрдамида яна 60 та замонавий кўча чироғини жойлаштирдик.

Аввалги чанг ва лой бўлган 450 метр йўл ҳомийлар иштирокида тўлиқ шағаллаштирилди. Ҳозирги кунда яна 400 метрлик қисмида иш давом этапти. Шу билан бирга, аҳолимиз ва фарзандларимиз хавфсиз ҳаракатланиши учун пйедалар йўлаг қурилишини бошлаб юборганмиз.

Кўп йиллар қаровсиз ётган ташландиқ ерларни тозалаб, ўз кучимиз билан гўзал боғ яратдик. 2 гектар майдонга терак ва турли мевали дарахт қўчатларини эқдик. Маҳалламиз ёшлари соғлом улғайиши учун эса 2 та замонавий болалар майдончасини қуриб битказдик.

Маҳалладошларимизнинг даромад манбаи ошиб, камбағаллик ва ишсизлик аста-секин қисқариб бораёпти. Одамларга имконият ва тўғри йўналиш берсак, улар ўз ҳаётини ўзгартира олишига гувоҳ бўлдим. Масалан, маҳалладошимиз, 2-гуруҳ ногирони Даврон Абдурахмонов берилган имтиёзли кредитдан унумли фойдаланиб, турмуш ўртоғи билан бирга қорвачиларнинг йўлга қўйди, ўзини ўзи банд қилди. Яна бир фаол йигитимиз Достон Юнусов ҳунарини ишга солиб, устачилик орқали рўзгорини бутляпти.

Биз эришган натижаларимиз билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Ободлиқни сақлаш, янги боғимизни парваришлаш ва иқтисодий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида тинмай изланыпмиз.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Илёс САМАНДАРОВ. Чортоқ тумани:

— Аввал одатдаги тартибда меҳнат қилар эдим. Энди имкониятим ва шароитим талаб қилгани учун тунги вақтда ҳам ишляпман. Айтингчи, бу вазиятда ишнинг давомийлиги ва ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлади?

“ТУНГИ ВАҚТДА ИШЛАГАНИМ УЧУН КЎП ҲАҚ ТЎЛАНДИМИ?”

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Тунги вақтдаги ишнинг давомийлиги ва ҳақ тўлаш тартиби Меҳнат кодекси билан тартибга солинган. Унга қўра, соат 22-00 дан то соат 06-00 гача бўлган давр тунги вақт ҳисобланади. Жараёнда ҳар кун белгиланган иш давомийлигининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, иш ҳафтасининг давомийлиги бир соатга қисқартирилади. Агар жамоа шартномасида бошқача қоидалар мавжуд бўлмаса, иш давомийлиги қисқартирилмайди.

Тунги меҳнат учун ҳақ тўлаш “вақтбай” тизимда ҳар бир соат учун 1,5 ёки ундан ортиқ миқдорда, “ишбай” тизимда соатлик тариф ставкасининг эллик фоизи ёки ундан ортиқ миқдорида ҳисобланади. Шунингдек, қўшимча тўловлар ҳам мавжуд бўлиб, бу харажатлар жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатларда белгиланади.

Гувоҳ бўлганимиздек, тарғибот босқичи ўз вазифасини бажарди — мавзу жамият кун тартибига чиқди. “Маромийлик” лойиҳаси ижрочилари одамларга тақик эмас, тақлик орқали маросимни янада файзли ташкил этиш мумкинлигини уқтиряпти. Ҳамма гап ана шу интилишини бошқалар ҳам қўлаб-қувватлашида. Фикримизча, обрўли шахслар — зиёлилар, тadbиркорлар ва раҳбарлар — ихчам шаклни биринчилардан бўлиб танласа, бу юзлаб роликдан кучлироқ ишлайди. Бир нуфузли оиланинг эллик кишилиқ тўйи бутун маҳалла учун намуна бўлади. Чунки одам ўзи ҳурмат қилган кишига қараб ўлчов олади. “Маромийлик” — тақик ёки жазо эмас, балки ҳашаматли тўйларга қарши тарғибот лойиҳаси эканини унутмайлик!



2026 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда 92,3 МИНГТА НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛДИ.



Янги қонун билан мансабдор шахсларнинг ҚОНУНГА ТУЙЛОФ ҚАРОРИ ТУФАЙЛИ ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ тартиби белгиланди.



Янги Тошкентдаги МИЛЛИЙ КУТУБХОНА БИНОСИ 2026 йилда фойдаланишга топширилади.

4

Mahalla

№60

2026 йил 29 июль, ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ХОРАЗМ

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Инсон умрини ЎЗАЛ ТАРБИЯ БЕЗАЙДИ

Бир оилда можаро келиб чиққани ҳақида хабар келди. Суриштирсак, уч-тўрт йил аввал турмуш қурган келин-куёв. Дарров нуроний онахонлар билан хонадонга етиб бордик. Бир-бирига сўз бермай, тортишаётган қайнона ва келинни муросага келтириш осон бўлмади. Бу ҳам етмаганидек, қайтиб келган қайниопа жанжалга бош.

Саломат ХУДОЙБЕРГАНОВА, Гурлан туманидаги “Навбахор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маълум бўлишича, келиннинг ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган боласини ташлаб, ишга чиқиб кетиши бошқаларга ёқмаган. Чала қилинган уй юмушлари, эрта кетиб, кеч келишлар можаронинг асосий сабаби. Оила вакиллари келиштириш учун анча ҳаракат қилди. Лекин оилаб олиб борилган чора-тадбирларга қарамай, эр-хотин ажрашиш учун судга ариза топширди. Ҳозир уларнинг иши кўриб чиқилляпти. Шундай бўлса-да, ёшларни яраштиришдан умидимизни узмаганмиз. Ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, вазиятни юмшатишга уриянемиз.

Бундай можаролар кўнраа чиқиб туради. Турли-туман муаммолар. Лекин масаланинг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, барчаси тарбияга бориб тақалади. Қизларимизнинг қийинчилиikka тоқати йўқ. Дарров шохона ҳаётга эришишни истади. Бу каби иллатларни бартараф этиш оналаримиз зиммасига катта масъулият юклайди. Болага кичиклигидан ҳаёт синовларига бардошли бўлишни ўргатиш, ҳар бир қарорида чуқур мулоҳаза юритиши кераклигини ўқитириш зарур.



Айни вақтда ҳудудларда фаолият юритаётган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларини маҳалла кесимида ташкил этилишини истардим. Дарс соатлари ҳам узайтирилса, самарадорлик ортган бўларди. Мавзулар кўламини ҳам кенгайтириш керак.



НАВОИЙ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Қийинчилик ва синовлар ҳаёт берган НЕЪМАТЛАРНИ ҚАДРЛАШГА ЎРГАТАДИ

Маҳалла-ни обод масканга айлантириш тинимсиз меҳнат ва фидокорлик талаб этади. Бунда фақат “еттилик” ходимлари эмас, балки аҳолининг фаол иштироки ниҳоятда долзарб ва зарурат.

Зоҳир МАНСУРОВ, Навоий шаҳридаги “Меъмор” маҳалласи раиси.

Айни шундай ёндашув фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган. Жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этишда жамоатчилик иштирокини кучайтирганмиз. Айниқса, ҳашар ва кўчат экиш жараёнларида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиламиз. Маҳалламиз “драйвери” хизмат кўрсатиш бўлиб, йилдан-йилга тадбиркорликнинг турли соҳалари ривожланыяпти. Бу ишсизликни камайтириш ҳамда камбағалликни қисқартиришга ёрдам берапти. Жорий йил бошидан буён 27 нафар кишини турли соҳаларга йўналтиришга эришдик. Уларнинг 10 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 12 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида бизнес бошлади. Яна 4 нафари ўзини ўзи банд қилди.



Меҳнат — бахтли ҳаётга эришишнинг бош мезони ҳисобланади. Шу боис ёшларни кўпроқ ўз устида ишлашга, жисмоний фаолликка ундаяпмиз. Инсон турли қийинчилик ва синовларни енгиб ўтгандагина, унга берилган неъматларни қадрлашни ўрганади. Бугун жамиятда авж олиб бораётган телефонга қарамлик, оилавий муносабатларга енгил қараш, жиноятчилик ва ишсизлик каби муаммоларнинг асосий ечими ҳаракатда. Ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, олға интилган киши бошқа иллатларга чалғимайди.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

АЁЛ БЎЛСА МИРИШКОР — гуллаб-яшнайти рўзғор

Когон туманидаги “Тараққиёт” маҳалласида томорқачилик билан шуғулланаётган хонадонлар сони 450 тага етган бўлса, бунда аҳолининг мавжуд томорқа ери 70 гектардан кам эмас.



Пешқадам томорқачилардан бири Ҳамида Раҳматова ҳам кўп йилдирки, деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳар мавсумда баракали ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олганлардан. У ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, нафақат оиласи, балки маҳалладошлари дастурхони тўқинлигини таъминляпти.

Бу миришкорлар помидор, бодринг, картошка, пивз, қарам, булғор қалампир, сабзи, ловия каби сабзавот етиштириш билан бир қаторда лимон, апельсин сингари цитрус мевалар билан, аҳоли дастурхони тўқинлигига ҳисса қўяпти.

Хонадон меҳнаткашлари ҳовли этагидаги экин майдони ва 4 сотихдан иборат иссиқхонада эрта баҳордан ер тайёрлаб, сархил картошка ва помидор етиштиришди. Жараёнда агротехника тадбирлар талаб даражасида олиб борилиб, айни бугунга келиб иссиқхона еридан 5 тоннадан ортириб помидор ва 1,5 тонна атрофида картошка етиштирилди. Албатта, рўзгордан ортган маҳсулот ички бозорга чиқарилиб, қарийб 25 миллион сўм моддий манфаатдорликка эришилгани замирида машаққатли меҳнат етибди. Айтиш жоизки, оила бекасининг миришкорлиги томорқа ва иссиқхонадан унумли фойдаланиш орқали қисқа муддатда юқори ҳосил олиш, даромадни кўпайтириш, бандликни таъминлашда яққол намоён бўлмоқда.

Хонадонларни айланиб юрар эканман, шу каби мулоҳазаларимни ота-оналар ва ёшларга тушунтиришдан эринмайман. Айниқса, таътил вақтида ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун кўпроқ хунар ўрганишга жалб этапмиз. Бу борада тадбиркор ва хунармандлар янгидан-янги ташаббуслар билан чиқаяпти.

Айни вақтда аҳоли бирдамлиги ва ҳудуд тинчлигини таъминлаш мақсадида янги лойиҳа устида ишляпмиз. Унга кўра, кўп қаватли уйлارда истиқомат қиладиган ҳар хил соҳадаги раҳбар ходимларни фуқароларга масъул сифатида бириктирмоқчимиз. Улар оммавий тадбирларни ташкил этиш, умумхалқ ҳашарларини кўтаринки руҳда ўтказиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ажрашишларга барҳам беришда асосий кўмакчимизга айланади. Умид қиламизки, мазкур ташаббус тез орада ўз натижасини кўрсатади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

Бахт ва баракага ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ БОР

Нигина ШОЕВА, журналист.

Халқимизнинг “Эплаган элакда сув ташир”, деган ҳикмати бежиз айтилмаган. Меҳнатни севган, томорканинг ҳар қарич ерини қадрлаган инсон имконсизлик нима эканини билмайди. Шўрчи туманининг “Ободон” маҳалласида ана шундай меҳнатсевар, ташаббускор ва омилкор хонадон эгалари сафи тобора кенгаймоқда.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Саодат Мамадиева заҳматкаш аёллардан бири. У ҳар тонгни гуллар бағрида кутиб олади. Ниҳолларни меҳр билан парваришляйди, ҳар бир кўчатга гуё фарзандидек эътибор қаратади. Унинг меҳнати натижасида хонадон ҳовлиси ранг-баранг чечаклар билан безаниб, кичик бир гулзорга айланган.



Саодат опа учун гул шунчаки бе-зак эмас. У меҳнатнинг меваси, ҳалол ризқнинг қалити, оиласига файзу барака олиб қирадиган неъматдир. Баҳор нафаси уфуриб турган гуллар орасида ўтган ҳар бир кун унинг сабр-тоқати, матонати ва меҳнатсеварлигининг ёрқин ифодасидир. Бугун аёлнинг қўлларида парварिश топган гуллар нафақат “Ободон” маҳалласидаги хонадонларни, балки туманининг турли ҳудудларини ҳам ўзининг бетакрор ҳусни ва ёқимли ифори билан беэмомқда. Саодат Мамадиеванинг ҳаёт йўли шунчаки ана бир бор исботляйдики, инсон ўз касбига меҳр қўйса, оддий бир кўчат ҳам бахт ва баракага элтувчи йўлга айланади. Зеро, гул кўпайтираётган инсон аслида гузаллик, эзгулик ва умид улашаётган бўлади.



Фан олимпиадалари ғолибларига “ЎЗБЕКИСТОН БҮЙЛАБ САЁХАТ” йўлланмаси берилади.



Энергетика йўналишидаги таълим дастурлари янгиланади, ТАЛАБАЛАР ДУАЛ ТАЪЛИМГА ЎТКАЗИЛАДИ.



2026 йилнинг биринчи ярмида Болалар омбулдсмани кўмагида 22 НАФАР БОЛА ХОРИЖДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАРИЛДИ.

2026 йил
29 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №60

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИНСОНЛАР ТУРЛИ, ТАҚДИРЛАР ТУРФА...

Бир хил ечим барчага бирдек тўғри келмайди



Маҳаллада ҳар бир эшик ортида бир тақдир, ҳар бир ёшнинг қалбида эса бир орзу яшайди. Менинг вазифам — ўша орзуларга йўл очиш. Шу боис иш кунимни ҳар доим маҳалла айланиш, ёшлар билан суҳбатлашишдан бошлайман. Чунки уларнинг муаммосини эшитмасдан туриб, ечим топиб бўлмайди.



Азиза МИРФАЙЗУЛЛАЕВА,
Сергели туманидаги
“Фароғатли” маҳалласи ёшлар
етакчи.

Йил бошидаёқ маҳалламиздаги ҳар бир йигит-қизнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб чиққанмиз. Натижада 1 473 нафар йигит-қиз “яшил”, 12 нафари “сарик”, 15 нафари эса “қизил” тоифага киритилди. “Сарик” ва “қизил” тоифадаги ёшлар билан алоҳида ишлашни йўлга қўйдик. Ҳар бир хонадонга кириб, оиласи билан суҳбатлашдик. Муаммони эшитибгина қолмай, ҳар бири учун алоҳида иш режаси туздик. Чунки бир хил ечим ҳаммага тўғри келмайди.

Энг кўп эътибор бандлик масаласига қаратилди. Ишсиз ёшларни бўш иш ўринларига йўналтирдик, касб-ҳунар ўрганишни истаганларга амалий кўмак бердик. Тадбиркорлик қилиш нияти борларни тегишли ташкилотлар билан боғладик. Айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар билан кўп ишладик. Айримлари яна чет элга кетишни ўйлаётган эди. Кейинчалик касб ўрганиб, иш бошлаганлари, тадбиркорликка қадам қўйганлари мени ҳам қувонтирди.

Бир куни маҳалламизда яшовчи Мастура опа олдимга келиб, ўғли ишсизлиги сабабли тушқунликка тушиб қолганини айтди. Йигит билан алоҳида суҳбатлашдим. Қизиқиши техникага эканини билдим. Уни касб-ҳунар ўқишига йўналтирдик, ишга жойлаштишига кўмак бердик. Орадан бир неча ой ўтиб, ўша йигитнинг ишдан хотиржам уйига қайтаётганини кўрдим. Онасининг “ўғлим ўзгарди”, деган гапи мен учун энг катта мукофот бўлди.

Назорат ва алоҳида эътибор талаб қиладиган 15 нафар ёшни оталикка олдик. Улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Жумладан, 1 нафари туман ҳокимига, 3 нафари ички ишлар бўлимига, 2 нафари Миллий гвардия бошқармасига, 8 нафари Мудофаа ишлари бўлимига, яна 1 нафари туман прокуратурасига бириктирилди. Масъуллар иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммоларини эшитяпмиз, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун биргаликда ҳаракат қилаямиз.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳам доимий эътиборимизда. Спорт мусобақалари, маданий кечалар, концерт дастурлари, театр томошалари, саёхатлар, китоб-хонлик кечалари, уч авлод учрашувлари, ҳуқуқий тарғибот ва давра суҳбатларини мунтазам ташкил этамиз.



Бу йил мен учун унутилмас йил бўлди. Президентимиз фармони билан “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландим. Бу мукофотни шахсий ютуғим, деб эмас, маҳалламиз ёшлари билан биргаликда қилган меҳнатимизга берилган юксак баҳо, деб биламан. Чунки ҳар бир натижанинг ортида ишга жойлашган ёш, касб эгаллаган йигит, ўз иқтидорига ишонган қиз, ҳаётга қайта ишонч билан қадам қўйган инсон турибди.


ИМКОНИАТ

Ҳукумат қарори билан “Маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этган ҳолда ўзини ўзи банд қилган тренерларни спорт мактабига бириктириш ҳамда уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Маҳаллада спорт тўғараклари фаолияти кенгайтирилади



Низомга кўра, маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этган ҳолда ўзини ўзи банд қилган тренерлар ихтиёрий равишда ҳар йили 20 августга қадар спорт мактабларига ариза билан мурожаат қиладди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

- Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:
- ✓ маҳаллада ташкил этган спорт тўғаракининг манзили, спорт иншоотининг майдони ва сифими;
 - ✓ спорт тўғарагидаги мавжуд спорт турлари (тармоқлари);
 - ✓ спорт тўғарагида шуғулланувчи спортчиллар тўғрисида маълумотлар;
 - ✓ тренерлик фаолияти бўйича малака оширганлик ҳақидаги сертификат.

Спорт мактаби ариза келиб тушгандан сўнг 5 иш куни ичида аризани ўрганиб чиқиб, тренерларни спорт мактабига бириктиради. Бунда ҳар бир туман (шаҳар) даги спорт мактаби кўли билан 5 нафаргача тренерни бириктириш ҳуқуқига эга.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Бугун бирор хонадонга кирсангиз, китоб ушлаб ўтирган боладан кўра, телефонга термилиб қолган болани кўпроқ учратасиз. Бу оддий ҳолга айланди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар болалар ҳаётининг бир қисми бўлиб улгурди. Энди савол бошқача қўйилляпти: болани ижтимоий тармоқдан узиш керакми ёки ундан тўғри фойдаланишни ўргатиш керакми?

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАН ЧЕКЛАШ НАТИЖА БЕРАДИМИ?

Сурайё ҚОСИМОВА,
журналист.

Бу масала фақат Ўзбекистонда эмас, бутун дунёда қизгин муҳокама қилинмоқда. Австралия ўтган йили болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига энг каттик чекловлардан бирини жорий қилди. Дания, Малайзия, Хитой каби давлатларда ҳам шу йўналишда қадамлар ташланяпти. Қозғоғистонда эса 16 ёшгача бўлганларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини чеклашга оид қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳам 16 ёшга тўлмаган болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини чеклашга доир қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши режалаштирилган. Бу масала ўзасидан парламент депутатлари, сенаторлар, Болалар омбулдсмани, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги вакиллари иштирокда муҳокамалар ўтказилди. Уларнинг умумий қарашини бир нуктада туташади: болани интернетдан бутунлай узиш эмас, балки унинг ёшига мос, онгли ва меъёрий чекловларни жорий этиш зарур.

Бугунги рақамлар ҳам ўйлангирмай қўймайди. Болалар омбулдсмани 10-17 ёшли 245 минг нафардан ортиқ ўқувчи ўртасида ўтказган сўровга кўра, иштирокчиларнинг 94 фоизи интернетдан фойдаланади. Уларнинг 66 фоизи интернетга дарс қилиш ёки чет тили ўрганиш учун киришини айтган бўлса, 26 фоизи дўстлари билан мулоқот қилиш, 8 фоизи эса онлайн ўйинлар учун фойдаланишини билдирган. Бир қарашда бу ижобий кўринади. Аммо сўров яна бир муҳим ҳақиқатни очиб берди: ҳар олтинчи бола ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билмайди, ҳар унинчи бола эса онлайн зўравонлик нималигини тушунмайди.

Аслида, муаммо ҳам шу ерда. Болалар телефондан эмас, назоратсиз ва билимсиз интернетдан зарар кўрапти. Кибербуллинг, алдов, зарарли контент, шахсий маълумотларнинг тарқалиши, турли психологик босимлар — буларнинг барчаси виртуал дунёда болани кутган хавфлардир.

Шу боис мутасаддилар чеклов тарафдори. Уларга кўра, мактабларда телефондан фойдаланиш тартиби бор, аммо бу қоидалар ҳамма жойда бир хил ишлалмаяпти. Энди 16 ёшгача бўлган болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини қонун билан тартибга солиш орқали уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш мақсад қилинмоқда.



Бирок барча ҳам тўлиқ тақиқни қўллаб-қувватламаяпти. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Лайло Файзимуҳаммадовнинг фикрича, “Z” авлодни кескин чеклаш қўтилган натижани бермаслиги мумкин. Чунки ёшларнинг эрки ва фикрлашини тақиқласак, у кескин ҳаракат қилиши орқали нафакат ўзига, балки жамиятга ҳам зиён етказишни бошлайди. Унинг таъкидлашича, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ҳаётнинг бир қисмига айланган. Шунинг учун болани интернетдан узиш эмас, унда тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш муҳим. Мутахассис, шунингдек, барча масъулиятни ота-она зиммасига юклаш ҳам тўғри эмаслигини таъкидлайди. Чунки кўплаб ота-оналарнинг ўзи ҳам рақамли маданиятни етарли даражада билмайди.

Айрим халқаро экспертлар фикрича ҳам болалар учун ижтимоий тармоқларни тўлиқ тақиқлаш қўтилган натижани бермаслиги мумкин. Чунки бундай чекловлар уларнинг назорат қилинмайдиган бошқа платформаларга ўтиб кетишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, қатъий тақиқлар болаларнинг таълим олиш, ишончли ахборотдан фойдаланиш, ўз фикрини эркин билдириш каби ҳуқуқларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис кенг қамровли тақиқлар ўрнига ижтимоий тармоқларнинг хавфли функциялари — жонли эфирлар, шахсий хабарлар, геолокация хизматлари ва тавсия алгоритмлари устидан қучлроқ назорат ўрнатиш самаралироқ ечим бўлиши мумкин. Шу билан бирга, платформалар болалар учун хавфсиз муҳит яратиши, таълим тизимида эса рақамли саводхонлик эрта ёшдан ўқитилиши зарур. Ота-оналар ва ўқитувчилар ҳам бу жараёнда ёлғиз қолмаслиги, улар учун амалий қўлланмалар ва маспахат хизматлари йўлга қўйилиши керак.

Энг муҳими, болани телефондан ажратиш билан муаммо ҳал бўлмайди. Чунки техника ҳаётимиздан чиқмайди. Демак, болага телефон беришдан олдин ундан қандай фойдаланишни ўргатиш муҳим. Интернетда нимани кўриш мумкин, нимадан узоқ юриш керак, шахсий маълумотни қандай ҳимоя қилиш лозим — мана шу қўниқмалар боланинг энг қучли қалқонига айланади.



2026 йилнинг
биринчи ярмида
ПЕНСИЯ
ОЛУВЧИЛАР СОНИ
4 миллион
361 минг
432 нафарга
етди.



Ўзбекистонда
БОЛАЛАР НАФАҚАСИ
386 минг, МОДДИЙ
ЁРДАМ 450 минг,
НОГИРОНЛИК
НАФАҚАСИ 1 миллион
209 минг сўм этиб
белгиланди.



ЯГОНА МИЛЛИЙ
МЕҲНАТ ТИЗИМИ
(my.mehnat.uz)да
меҳнат
шартномаларини
тўлиқ электрон
расмийлаштириш
имконияти яратилди.

6

Mahalla

№60

2026 йил
29 июль,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Кўпчилик ижтимоий ходимнинг вазифасини моддий ёрдам ажратиш ёки ҳужжат расмийлаштириш билан боғлайди. Аслида, ишмнинг энг муҳим қисми бошқача. Мен, аввало, одамни тинглашни ўргандим. Чунки кўпинча инсоннинг энг катта эҳтиёжи пул эмас, уни тушунадиган, дардини эшитадиган бир одам бўлади.

Ёлғиз эмаслигини ҳис қилса, инсоннинг ҳаёти ҳам ўзгаради

Одил ҚОДИРОВ,
Китоб туманидаги “Кўхсор” маҳалласи ижтимоий ходими.

“Кўхсор” маҳалласи тоғли ҳудудда жойлашган. Бешта қишлоқни ўз ичига олади. Энг олис Шут қишлоғигача маҳалла марказидан 35 километр йўл босилади. Айрим хонадонларга бориш учун машинадан тушиб, пиеда юришга ҳам тўғри келади. Лекин масофа одамнинг дардини узоқлаштирмайди. Аксинча, йўл давомида ўша хонадонда мени қандай муаммо кутиб тургани ҳақида кўп ўйлайман. Мен бир нарсасга амин бўлганман: одамлар муаммосини биринчи учрашувда тўлиқ айтмайди. Аввалига эҳтиёткор бўлади. Айниқса, кексалар. “Ҳаммаси яхши”, деб кўя қолишади. Лекин суҳбат давом этса, чой устида гаплашилса, уйнинг ичига, ҳовлисига назар ташланса, инсоннинг айта олмаган дарди ҳам сезила бошлайди. Шунинг учун мен ҳеч қачон фақат рўйхат тўлдириш билан чекланмайман. Хонадондаги муҳитга қарайман. Девордаги дори қутчалари, ҳовлидаги ёлғиз ўриндик, эшикни ким очгани, хонадондагиларнинг бир-бирига муносабати — буларнинг барчаси инсоннинг ҳаёти ҳақида маълумот беради. Баъзан бир оғиз гапдан кўра, бир қараш кўпроқ нарсани аңглатади.



Шундай хонадонлардан бири 74 ёшли Жўрамурод Шамсиевники бўлди. У киши II гуруҳ ногирони. Биринчи бор борганимда, менга ўз эҳтиёжларини эмас, фарзандлари ва набиралари ҳақида гапирди. Кексаларнинг табиати шундай — аввал ўзини эмас, яқинларини ўйлайди. Суҳбат давомида унинг эркин юриши ҳам қийинлашиб қолганини билдим.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

I гуруҳ ногиронлиги бўлган Гўзалхон Маннопова Қувасой шаҳрида яшайди. Бундан 13 йил олдин чап қўл ва чап оёғидан айрилган. Кўп қаватли уйда истиқомат қилгани учун кўчага чиқишда қийинчиликларга дуч келаётган эди.

Даво топиш ва тикланиш таниш муҳитда осон

Илёсбек
ЭСОНОВ,
Ижтимоий
ҳимоя миллий
агентлиги
Фарғона вилояти
бошқармаси
етакчи
мутахассиси.

Бундан 3 ой олдин Гўзалхонга уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати кўрсатила бошланди. Унга бириктирилган ҳамшира ҳафтада 2 марта келиб, махсус режа асосида иш олиб борди. Бунда аёлнинг қундалик ҳаётдаги фаоллиги, мавжуд чекловлари ҳамда эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилган. Натижада фуқаро ўзига таниш бўлган муҳитда даволаниш ва тикланиш имконига эга бўлди.

Бундан ташқари, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Гўзалхонга электрон юритмали аравача, қўл ва оёқ протезлари етказиб берди. Кўп қаватли уй йўлақларига махсус туткичлар ўрнатилиб, зиналарда осонроқ ҳаракатланиши учун шароит яратилди.

— Хайриятки, “Инсон” маркази бор экан, мушкулларимни анчайин осонлаштирди, — дейди Гўзалхон Маннопова. — Менга бириктирилган ҳамширанинг ёрдами билан оёқ ва қўл протезларидан қандай фойдаланиш кераклигини ўрганиямман, секин-аста бу воситаларга мослашиб борапман. Қолаверса, у саломатлигимдан доимий тарзда хабардор бўлиб туради.



Таъкидлаш лозимки, “Фаол ҳаётга қадам” дастури ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва жамиятда фаол иштирок этишига қаратилган амалий қўллаб-қувватлаш тизимида айланган.

ТОШКЕНТ В.

Умид ва ишонч бермоқликдан Ортиқроқ бахт бўлмаса керак...

Паркент туманининг “Сой” маҳалласида туғилиб ўсдим. Болалигимдан жуда киришимли ва қизиқувчан бўлганман. Улғайганим сари инсонларни кузатиш, уларнинг ички кечинмаларини аңлаш ва ёрдам бериш истаги билан психология ва ижтимоий хизматлар соҳасига кириб келдим.

Умида РАҲМАТИЛАЕВА,
Юқори Чирчиқ туманининг
Аҳмад Яссавий номидаги маҳалласи
ижтимоий ходими.

Бувимнинг соғлиғи ёмонлашиб, доимий парваришга муҳтож бўлиб қолганди. Бундан ташқари, холамнинг руҳий ҳолатида ҳам жиддий ўзгаришлар намоён бўла бошлади. Бу ҳолат мени изланишга ундади. Интернетдаги маълумотлар орқали ижтимоий хизматлар тизими ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилдим. Турли ҳаётий мисоллар, ижтимоий ёрдамнинг инсон ҳаётини қандай ўзгартариши ҳақидаги ҳикоялар менда катта қизиқиш уйғотди. Орадан вақт ўтиб, яқин маҳаллалардан бирдаги қаровсиз қолган оила ҳақида эшитиб қолдим. Хонадон вакилларига ижтимоий хизматлар кўрсатилгач, уларнинг турмуш шароити ижобий тарафга силжиди. Фарзандларнинг масъулиятни қайта ҳис қилиб, оилага қайтиши ва қаров тизимининг йўлга қўйилиши сабаб кўплаб муаммолар барҳам топди. Айнан шу воқеа ҳаётимнинг бурилиш нуқтасига айланди. Ижтимоий соҳа инсон ҳаётини ўзгартаришга йўл очишини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Шундан сўнг, маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолият бошладим. Дастлаб оилаларни ўрганиш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва муаммоларини тинглашга асосий эътиборимни қаратдим. Ҳар бир фуқаронинг тақдирини ортда алоҳида бир ҳикоя, алоҳида бир дард борлигини тушуниб етдим.

Шу жараёнда Шолпан исмли аёл билан танишдим. У компьютер саводхонлигини ўргатиш орқали ёшларга таълим беришни хоҳларди. Аёл билан суҳбат давомида орзулари, билим беришга бўлган иштиёқи мени чуқур таъсирлантирди. “Еттилик” вакиллари билан имконият даражасида унга ёрдам беришга ҳаракат қилдик. Керакли жихозлар билан таъминлаш, шароитини яхшилаш борасида кўмаклашдик.



Орадан вақт ўтиб, Шолпан опанинг юзида ишонч ва ҳаётга бўлган қизиқиш қайта жонланди. У ўз билимларини иштиёқ билан ёшларга етказишга киришди. Бу жараён менга бир ҳақиқатни чуқур аңглатди: кичик ёрдам ҳам инсон ҳаётини бутунлай ўзгартариб юбориши мумкин экан.

Бугун ортга назар ташлар эканман, танлаган йўлимдан чуқур фахр туяман. Инсонларга хизмат қилиш, уларнинг ҳаётига умид ва ишонч олиб киришдан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Қўшимча даромад — қувончга сармоя

Шунга мувофиқ, Қашқадарё вилоятида эҳтиёжманд, давлат таъминотидаги 959 та оилага фоизсиз кредитлар ажратилди. Натижада фуқаролар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишди.

Дилшод ШОДИЕВ,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Қашқадарё вилояти
бошқармаси матбуот
котиби.



Илгари фақатгина ногиронлик нафақаси ёки болалар пули орқали кун кечириган оилаларга қўшимча даромад кирди. Ҳузор туманидаги “Тинчлик” маҳалласида истиқомат қиладиган Жўрабек Азимов 25 ёшда. Оиланинг 4 нафар аъзосига ногиронлик гуруҳи белгиланган. Гарчи йигитнинг устачиликдан хабари бўлса-да, мустақил иш бошлаши учун маблағ етишмас эди. Давлат берган ушбу кредит эвазига у асбоб-ускуналар сотиб олиб, ҳозирда мустақил фаолият бошлади. Буюртмалар асосида турли хил махсулотлар ясаб, оиласига даромад олиб келмоқда.



Ўзбекистонда
ярим йилда аҳолига
13,1 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК
ИПОТЕКА КРЕДИТИ
ажратилди.



2026 йилнинг
январь-июнь ойларида
юртимизда ЎРТАЧА
ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ
МИҚДОРИ 7 миллион
91,1 минг сўмни ташкил
этди.



Тошкентда нархларни
барқарорлаштириш
учун АФҒОНИСТОНДАН
ОЗИҚ-ОВҚАТ
харид қилинади.

2026 йил
29 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №60

7

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Манзил олис бўлса ҳам ҳудудимиз “ОҒИР” ЭМАС...



Маҳалламиз катта эмас. Атиги 17 та хонадон, 73 нафар аҳоли яшайди. Кимдир ташқаридан қараса, “бу ерда аҳоли жуда кам экан”, деб ўйлаши мумкин. Лекин биз учун бу мўъжаз масканнынг ўз فاي­зи, ўз нафаси бор.

Айтаур ЖАЛҒАСБАЕВ,
Учкудук туманидаги
“Кўкаяз” маҳалласи раиси.

Ийгинимиз чўл ҳудудда жойлашган, Қозоғистон билан чегарадош. Еримиз деҳқончиликка унчалик қўл келмайди. Тупроқ унумдор эмас, экин эксангиз ҳам кўнгилдагидек ҳосил бермайди. Шунинг учун бу ерда одамлар азалдан чорвачилик ва ий­лқичилик билан кун кечиради. Деярли ҳар бир хонадонда ун бошгача қорамол

бор. Шу сабабли сут ҳам, қатиқ ҳам хонадонлардан аримайди. Одамлар меҳнати билан рўзгорини бутлайди. “Маҳалла етти­ли­ги” вакиллари имкон қадар аҳолига чорвачиликни ривож­лан­тириш учун кредитлар олишда кўмаклашамиз. Масалан, Ғави Ибраев 33 миллион сўм кредит олиб, чорвачилик фаолиятини кенгайт­ир­ди. Бошқа фуқароларга ҳам кредит олишни тавсия қиламиз. Лекин, очиги, ҳали ҳамма ҳам бунга журъат қилаётгани йўқ. Балки одамлар таваккал қилишга шошил­маётгандир. Шунга қарамай, вақт ўтиши билан бу борадаги қизиқиш ор­ти­шига ишонамиз.

Маҳалламизда фақат битта якка тартибдаги тадбиркор фао­лият юр­ти­да­ди, унинг дў­ко­ни бор. Қолган фуқаролар, асосан, мактаб, боғча ёки маҳалладаги бошқа таш­ки­лотларда ишлаб, бўш вақтида чорваси билан шугулланади. Ҳаё­ти­ми­зинг асосий таянчи ҳам шу.



Чекка ҳудудда яшашнинг ўзига яраша қийинчилик­лари ҳам бор. Рўз­горга зарур маҳсулотлар сотиб олиш учун шаҳарга анча йўл босамиз. Энг яқин қўшни маҳаллага ҳам қариб 120 километр масофа. Атрофимизни Қизилқум чўли ўраб туради. Илгари маҳалламизда 350 нафаргача аҳоли яшаган.

Аммо деҳқончилик қилиш мушқул, ҳудуд олис бўлгани учун кўпчилик бошқа жойларга кўчиб кетди. Қувонар­ли­си, кейинги йилларда бундай ҳолат деярли кузатилмаяпти.

Бунда амалга оширилган бун­ёдкорлик ишлари ҳам муҳим ўрин тут­ди. Маҳалламиз “Обод маҳалла” дасту­рига киритилгач, ичимлик сув тортилди, кўчалар асфальт қилинди, янги бинолар қад ростлади, ҳудуд янада ободлашди. Аҳоли ҳар ой суюлтирилган газ баллон­лари билан мунтазам таъминланмоқда. Буларнинг барчаси одамларнинг яшаш шароитини анча яхшилади.

Энди олдимизда яна бир ният бор. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси­да голиб бўлиш учун ҳаракат қи­ляп­миз. Мақсадимиз — маҳалламиз ёш­ла­рига су­н­ий қопламали спорт майдончаси қуриб бериш. Ёшларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказса, спорт билан шуғул­лан­са, бундан ортиқ қувонч бўлмай­ди. Йигинимиз кичик бўлиши мумкин, аммо орзуларимиз катта. Маҳалламиз эртаси учун ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтамаймиз.

Агар умумий қуввати 100 кило­ваттгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергияси умумий электр тармоғига реализация қилинса, ундан олинган фойда 0 фоиз ставкада фойда солиғи билан солиққа тортилади. Ушбу имтиёз қурилма фойда­ланишга топширилган ойдан бош­лаб 3 йил давомида амал қилади.

БИЛАСИЗМИ?

ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ МАВЖУД

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан
фойдаланувчи юридик шахслар муҳим солиқ
имтиёзларидан фойдаланиши мумкин.



Яна бир муҳим жиҳат: агар қуёш панеллари билан бирга уларнинг қувватига нисбатан камида 25 фоиз қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими ҳам ўрнатилган бўлса, мазкур солиқ имтиёзи 10 йил давомида

қўлланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш нафақат экологияни асрашга хизмат қилади, балки корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан ҳам сезиларли манфаат келтиради.

СОЛИҚЧИ —
КЎМАКЧИ

...Ўша куни маҳалла фаоллари билан навбатдаги хонадонларни айланаётган эдик. Кўчанинг охиридаги кичкина ховли олдида кўзим занг босган темир дарвозага тушди. Дарвоза ёнида эса эски ёғоч кесиш ускуналари, дастгоҳ ва яримта эшик роми ётарди. Устахонанинг эшиги берк...

Аксарият ҳолатда ИШОНЧСИЗЛИК ПАНД БЕРАДИ


Жамил ТҶҲИЕВ,
Фориш тумани “Хонбанди”,
“Учкулоҳ” ва Амир Темур
номидаги маҳаллалар
солиқ инспектори.

Маҳалла раиси секингина: “Бу ерда илгари моҳир уста яшарди”, деди. Ховлига кирганимизда мени Ҳасан деган бола кўтиб олди. У ёш йигит эди. Бир оёғи туғма ногиронлиги сабабли эркин ҳаракатлана олмас, ҳассага суяниб юрарди. Сўхбат давомида билсам, устахона унинг отасига тегишли экан. Маҳаллада эшик-ром, мебель ясашда ном қозongan уста бўлган. Аммо отаси оламдан ўтгач, устахона фаолияти тўхтабди.

“Отанинг касбини давом эттирмоқчи бўлдим, — деди Ҳасан кўзини устахонадан узмай. — Лекин ким ишонади? Ногирон одамнинг ишига буюртма беришармикан? Қолаверса, ҳужжатлар, солиқлар... Буларни билмайман. Шундай экан, устахонани очмаслик осонроқ туюлди”.



Ҳасаннинг гапларида бугунги маҳаллаларнинг энг оғрикли муаммоларидан бири мумасам эди. Кўпинча одамларни пулсизлик эмас, ишончсизлик енгади. Айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларни кўпинча уларга нисбатан шаклланган шубҳа ва ишончсизлик ортга тортади. Натижада хунар бор, истак бор, аммо имконият эшиги очилмай қолади.



Мен қонунларни тушунтиришдан олдин уни тингладим. Сўнг бугун ўз фаолиятини қонуний йўлга қўйиш учун қандай қўлай шароитлар яратилганини, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш тартибини, электрон хизматлар орқали ортиқча овозгарчиликсиз иш бошлаш мумкинлигини тушунтирдим. Ногиронлиги бўлган фуқаролар учун мавжуд имкониятлар, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича тавсияларни ҳам батафсил айтдим. Энг муҳими, унга бир гапни қайта-қайта таъкидла-

НОДИР ДАМИНОВ,
Сурхондарё вилояти:

— Мен якка тартибдаги тадбиркор сифатида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо фаолиятини йўлга қўйганман. Фаолиятимни кенгайтириш учун ёлланма ходимлар ишга олмоқчиман. Бундай фаолият билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор билан неча нафар ходимни ишга олиши мумкин?

дим: “Сизнинг ногиронлигингиз эмас, ҳунарингиз одамларни эшигингизга олиб келади”.

Орадан бир неча ой ўтди. Ўша маҳаллага хизмат юзасидан бордим. Бу сафар ўша устахонанинг эшиги очик эди. Ичкаридан ёғоч ҳиди келарди. Ҳасан кўлида ёғоч кесиш ускунасини тутганча қўлиб қарши олди. У ясаган дараза ромлари ховли деворига териб қўйилган, ичкарида эса икки нафар маҳалла йигити унга ёрдам берарди. У қувончини яширмай, буюртмалар анча кўпайганини, илгари отасининг устахонаси унга армон бўлиб кўринган бўлса, энди уни фарзандларига қолдирадиган бебаҳо мерос деб билишини айтди.

Бугун маҳаллаларда муаммолар турлича. Кимдир иш тополмайди, кимдир ҳунарини бозорга олиб чиқолмайди, яна кимдир қонуний билмагани учун имкониятдан фойдаланмайди. Аммо ҳар бир муаммонинг илди­зи­га назар ташласангиз, инсонга баъзан моддий ёрдамдан ҳам кўра кўпроқ тўғри йўл кўрсатадиган, ишонч берадиган инсон кераклигига амин бўласиз.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Якка тартибдаги тадбиркор нечта ходим ёллаши мумкин?



Акмал ВАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Ва­зирлар Маҳкама­сининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширила­диган фаолият турлари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, озиқ-овқат ва но­озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркор 5 нафаргача ёлланма ходимни ишга олиш ҳуқуқига эга.

Бунда ёлланма ходимлар сони 5 нафардан ошмаслиги лозим. Мазкур меъёр айнан чакана савдо фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларга таъбиқ этилади. Шунингдек, Сиз ишга қабул қилаётган ходимлар билан меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши ва белгиланган тартибда ҳисобга олиниши шарт.



2026 йил биринчи ярмида ҳокимликлар қабул қилинган 24,2 мингта ҳужжатни жамоатчиликка ошкор қилмаган.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-июнь ойларида 2 286 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган.



Ўзбекистонда НАТО стандартидаги зирхли транспорт — “АРСЛОН” ДАВЛАТ СИНОВИДАН ЎТДИ.

8

Mahalla

№60

2026 йил
29 июль,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

“АВВАЛ ОРТИҚЧА ТОПШИРИҚ ВА МАЖЛИСЛАРДАН ОРТМАС ЭДИК...”

Яқинда маҳалламиздаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи кўшнilar ўртасида низоли ҳолат юзага келди. Юқори қаватдаги хонадон эгаси сув қувурини вақтида таъмирламагани сабабли, пастдаги кўшнining уйи зарар кўрди. Илгари бундай вазиятда судбозлиги аризабозлик бўлар эди. Бу сафар “еттилик” ходимлари биргаликда зудлик билан воқеа жойига чиқдик. Ваколатимиздан фойдаланиб, муаммони жойида, ўша куннинг ўзида ҳал этдик. Юқори қаватдаги кўшни айбини тан олиб, зарарни қоплаб берадиган бўлди.

Хуршид АБДУМУРОДОВ,
Учтепа туманидаги
“Дийдор” маҳалласи
профилактика инспектори.

Ушбу ҳаётий мисол маҳалла фаолиятининг қанчалик ўзгарганини, ходимлар масъулияти ва ваколати ортганини яққол исботлайди. Кундалик хизмат вазирамни бажариш жараёнида аҳолининг тинчлиги ва ишончи энг катта бойлик эканини англаб етдим.

Илгари кунлик тартибимиз бироз тигиз эди. Яшириб нима қилдик, ортиқча топшириқлар ва тинимсиз мажлислардан бўшамасдик. Ҳозир эса бор эътиборимиз фақат инсонларнинг дардини тинглашга ва жиноятчиликни барвақт жиловлашга қаратилган.

Соҳага шахсан давлат раҳбарининг эътибори фаолиятимизда янги босқични бошлаб берди. “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ваколатимизни кенгайтириб, ҳимоямизни мустаҳкамлади. Ортиқча юктамалардан халос бўлдик. Касбий фаолиятимизга тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш қатъиян тақиқланди.

Моддий-техник база мустаҳкамланди, хизмат олиб бориш учун барча шароит яратилди. Электрон иш юритув тизими ва “Менинг инспекторим” иловаси орқали қўғозбозликдан бутунлай қўтулдик. Аҳоли муурожаатлари ва маъмурий баённомалар онлайн тарзда расмийлаштириляпти. Раис бошчилигидаги “еттилик” тизими бир ёқадан бош чиқариб ишлаяпмиз. Ҳар бир оила ва хонадон муаммоси ижтимоий профилактика орқали жойида ҳал этиляпти. Қувонарлиси, 2 йилдан бери “яшил” тоифадаги маҳалламиз.

Сахифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Бор эътиборимиз ва куч-ғайратимизни маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли ишончини қозонишга қаратилляпти. Инспекторларнинг маҳаллада камида 5 йил давомида барқарор ишлаши тизими йўлга қўйилгани аҳоли билан дўстлашиш ва ҳудудни яқиндан билиш имконини берапти.

Агар марказий бозорларга яқин ҳудудда жойлашганимиз, 6,5 минг нафар аҳоли кўп қаватли уйларда яшашини ҳисобга олсак, бу натижага осон эришмаганимиз ойдинлашади. Жараёнда аҳолини тоифаларга бўлиб олганимиз кўл келди. Яъни, хонадонларни “яшил”, “сарик”, “қизил” тоифага ажратганимиз. Ким билан қандай ишлаш ойнадек акс этиб туради. 23 та кўп қаватли уйнинг уйбошилари билан ҳамкорликда тарғибот ишларини ўтказиб келяпмиз.



Энг катта янгиликлардан бири, бу — профилактика инспекторларининг мустақил қарор қабул қилиш ваколатининг кенгайтирилгани бўлди.

Мисол учун, айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар буйича юқори идораларга ишни юбормасдан, жойида мустақил қарор қабул қила оляпмиз. Кам аҳамиятли қилмишлар буйича маъмурий оғохлантириш тизими жорий этилди. Яъни, фуқароларни жаримага тортиш эмас, балки уларни тўғри йўлга солиб, маҳалланинг тарбияловчи кучидан фойдаланяпмиз. Ҳуқуқбузарликларнинг омиллини аниқлаб, мажбурий ижро этилиши лозим бўлган тақдирномалар киритиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, ислохотлар ҳам имконият берди, ҳам улкан масъулият юклади. Халқимиз бизнинг қиёфамизда давлатнинг адолатини, ғамхўрлигини ва ҳимоясини кўрапти.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИК?

“ҚОҒОЗДАГИ ҲИСОБОТ БИЛАН ЭМАС, АМАЛДАГИ НАТИЖАЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШГАНДИК...”

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ҚУРУҚ РАСМИЯТЧИЛИККА ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Тунги соат икки. Кўчалар сув қуйгандек жимжит. Маҳалла бўйлаб навбатдаги тунги назорат тадбирида юрганамиз, кўл телефоним жиринглади.

Ўтқир МЕНГЛИЕВ,
Қумқўрғон туманидаги
“Азларсой” маҳалласи
профилактика инспектори.

Маҳалла “Телеграм” гуруҳига “4-кўчадаги бўш турган уйнинг ёнида шубҳали машина анчадан бери турибди, ичида нотаниш одамлар бор”, деган мазмундаги хабар юборилди. Бир неча дақиқада айтилган манзилга етиб бордим. Маълум бўлишича, бошқа тумандан келган ёшлар шубҳали хатти-ҳаракатлар билан маҳалламиз оёсийишталигини бузишга шайланаётган экан. Вақтида қўрилган чора сабаб эҳтимолий ҳуқуқбузарлиқнинг олди олинди. Бу оддийгина тунги воқеа — шунчаки тасодиф эмас, балки биз йўлга қўйган тизимли меҳнатнинг амалдаги исботидир.

Фаолиятимдаги энг катта

хулосам — агар тарғибот тадбирлари қўғоздаги ҳисоботлар ёки қуруқ расмиятчилик учун эмас, балки асл мақсадга йўналтирилса, жиноятчиликка қарши курашиш, кримноген вазиятни соғломлаштириш натижа беришни бошлайди. Бугун ҳудудимизда ўтказилаётган “Хавфсиз ва соғлом юрт” кенг қамровли тезкор профилактик тадбири доирасида аҳоли тинчлигини таъминлаш ва хавфсиз муҳитни шакллантиришга айнан шундай жонли тажриба орқали эришяпмиз.

Маҳалладошларим тинчлигини таъминлашда энг самарали йўл — аҳолининг ўзини бу жараёнга жалб этиш эканини англаб етдим. Шу боис янгича тизимни йўлга қўйдик. Ҳар бир кўчага алоҳида, фаол ва обрўли “кўчабоши”лар тайинладик. Сўнг замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланиб, “Телеграм” тармоғида махсус мулоқот гуруҳи ташкил этдик. Бу гуруҳ биз учун шунчаки хабар алмашиш жойи эмас, балки криминоген вазиятни жиловлашнинг виртуал штабига айланди. Бу ерда кунлик янгиликлар, ҳуқуқий тарғибот хабарлари, фирибгарлик ва кибержиноятлардан оғох этувчи эслатмаларни мунтазам бериб борапмиз. Энг муҳими, маҳалла аҳли ўртасида ўзаро оғохлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси кучайди.



Иш тажрибам шунини кўрсатадики, жиноятни содир этилгандан кейин иссиқ изидан қувгандан кўра, унинг олдини олиш юз чандон афзалдир. Шу сабабли маҳалламиздаги кримноген вазиятни соғломлаштириш, жиноятларни жиловлаш ва профилактика ишларининг самардорлигини ошириш мақсадида ҳар бир хонадонга шахсан ўзим кириб, вазиятни жойига чиққан ҳолда ўрганияпман. Муаммоларни фуқаролар билан атрофчи муҳокама қилиб, ҳар бир ҳолат узасидан аниқ чоралар белгилаб оляпмиз. Ижтимоий профи-

лактиканинг бундай манзилли кўриниши маҳалладаги оилавий келишмовчиликларни камайтиришга, низоли вазиятларни юмшатишга ва кўплаб оилаларнинг бахтини сақлаб қолишга хизмат қиляпти.

Бугунги кун хавфсизлигини замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда ҳудудимизда рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва видеокузатув тизимларини кенгайтириш устида ишлаяпмиз. Ҳозиргача 200 та кузатув каме-

раси ўрнатилди. Аҳоли хонадонлари ва тадбиркорлик объектиларини қўриқлаш хизматига улаш ишларини ҳам тизимли ташкил этияпмиз. Бундан ташқари, пробация ва ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштириш, сўнгги пайтларда кўп кузатилаётган кибержиноятларга қарши курашиш, шунингдек, оилавий-маиший низолар, жиноятларнинг барвақт олдини олиш менинг кундалик диққат марказида турибди.

Хулоса ўрнида айта оламнки, қачонки маҳалла аҳли ва инспектор бир ёқадан бош чиқариб, хавфсиз муҳитни шакллантиришга интилса, ўша ерда оёсийишталик қарор топади. Менинг иш фаолиятим ва маҳалламиз тажрибаси эса бунинг яққол исботидир.

Ушбу сон
сахифаларидаги
барча мақолалар
матнни мусаххиф
Феруза
ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ТОШКЕНТ Ш.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Набижон САМАНДАРОВ,
Бектемир тумани:

— Ўн саккиз ёшга тўлмаган фуқаро ота-онаси, улардан бири ёки васийси (ҳомийси) рўйхатдан ўтказилган манзилда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтмоқчи бўлса, турар жой мулкдорининг розилиги талаб этиладими?

ТУРАР ЖОЙ МУЛҚДОРИНING РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ(МИ?)



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”-ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қўра, Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши шарт. Бунда рўйхатдан ўтиш рухсат бериш хусусиятига эга эмас, яъни у яшаш ёки ҳарақатланиш ҳуқуқини бериш эмас, балки манзил бўйича ҳисобга қўйиш тартиби ҳисобланади.

Фуқаро яшаш жойи ёки турган жойи ўзгарган тақдирда, янги манзилга келган кундан бошлаб 10 иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтиши керак. Бу жараёнда 18 ёшга тўлмаган болалар ота-онаси, улардан бири ёки васийси рўйхатдан ўтган манзилда рўйхатга олинади. Агар бола ота-онаси вақтинча рўйхатдан ўтган манзилга қўйилаётган бўлса, уй эгасининг алоҳида розилиги талаб қилинмайди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 бт.
8 324 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

